“OLMALIQ KMK”
AKSIYADORLIK JAMIYATI

# BUYRUQ
# ПРИКАЗ

04 SEP 2023 № 01444

**Комбинат фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, шунингдек жамоатчилик назоратини самарали амалга ошириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги **ПФ-6247-сон** Фармони ижросини таъминлаш ҳамда “Олмалиқ КМК” АЖ фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини, ахборот олиш эркинлигини таъминлаш орқали жамоатчилик назоратини такомиллаштириш мақсадида, **буюраман:**

**1. Комбинат ижро аппарати ҳамда таркибий тузилмалар раҳбарлари** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги **ПФ-6247-сон** Фармони (кейинги ўринларда матнда – Фармон) **маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.**

**2.** Комбинат таркибий корхоналари, Ижро аппарати бўлинма ва хизматлари раҳбарлари томонидан “Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар” (биринчи иловадаги рўйхатга) мувофиқ Комбинат Ахборот хизматига белгиланган муддатларда, сифатли ва тўлиқ ҳажмда тақдим этилиши таъминласин.

**3.** Бошқарув раисининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси - Ахборот хизмати бошлиғи (У.Қаршибоева) ҳамда Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўлими бошлиғи (А.Комилов), Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш бошқармаси (В.Ирисметов) ҳамда Ахборот технологиялари департаменти бошлиғи (А.Надиров)ларни жалб қилган ҳолда тақдим этилган маълумот ва ахборотларни Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар Портали, шунингдек “Олмалиқ КМК”АЖнинг интернет тармоғидаги расмий веб-саҳифасига белгиланган муддатларда

жойлаштириш (юклаш) ҳамда маълумот ва ахборотларни мунтазам равишда янгилаб боришни таъминласин.

**4.** “Олмалиқ КМК”АЖнинг 2021 йил 23 июндаги 00817-сон буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**5.** Мазкур Буйруқнинг ижросини назорат қилишни Бошқарув раисининг рақамлаштириш бўйича ўринбосари (А.Азизов) ҳамда Назорат ва ахборот таҳлил ишлари бўлими бошлиғи (М.Муратов) зиммасига юклатилсин.

Бошқарув раиси А. Хурсанов

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI «OLMALIQ KON-METALLURGIYA KOMBINATI» AKSIYADORLIK JAMIYATI
OFIS-MENEJER XIZMATI

“Олмалик КМК”АЖнинг
2023 йил « 04» октябрдаги
01444 - сон буйруғига Илова

**“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йилнинг 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек,жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сон Фармони ижросини таъминлаш бўйича**

## “Олмалик КМК” АЖнинг ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

| т/р | Чора-тадбирлар номланиши | Маълумот жойлаштирилган ресурс | Тақдим этиш ва янгилаш муддати | Маълумот тақдим этиш учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Комбинат фаолиятига оид ҳисобот (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно). | Очиқ маълумотлар портали, Расмий веб-сайт | Чораклик: Ҳар чорак якунининг 25-санасигача Йиллик: Ҳар йили 1 мартга қадар | Марказий бухгалтерия (Н.Тен) Техник бўлим (А.Сайназаров) |
| 1.1 | Комбинат фаолиятига оид ҳисоботни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш учун матбуот анжумани ўтказиш | Расмий веб-сайт | Ҳар йили 1 апрелга қадар | Ахборот хизмати (У.Каршибаева) |
| 2. | Амалга оширилаётган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан давлат харидларини амалга оширувчи шахслар томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар). | Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайт | Чорак якунининг 10 санасига қадар | Моддий техник таъминот бошқармаси (Б.Юлдашев), Ишлаб чиқариш ва молиявий хатарларни |

| т/р | Чора-тадбирлар номланиши | Маълумот жойлаштирилган ресурс | Тақдим этиш ва янгилаш муддати | Маълумот тақдим этиш учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | | | | мониторинг қилиш бўлими (А.А. Ахметов), Юридик департамент (С.К.Касимов), Марказий бухгалтерия (Н.Тен) |
| 3. | Комбинат мансабдор шахсларнинг (ходимларининг) хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш харажатлари (хизмат сафарининг ёки ташрифнинг мақсади, суткалик пул, транспорт ва яшаш билан боғлиқ, харажатлар (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно). | Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайт | Чорак якунининг 10 санасига қадар | Марказий бухгалтерия (Н.Тен), Ташқи иқтисодий алоқалар бўлими, Ходимлар билан ишлаш бўлими (Ш.Дусимбетов) |
| 4. | Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобига харид қилиниши режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги маълумотлар (харид эълон қилинишидан камида 6 ой олдин). | Расмий веб-сайт | Харид эълон қилинишидан камида 6 ой олдин | Моддий техник таъминот бошқармаси (Б.Юлдашев), Ишлаб чиқариш ва молиявий хатарларни мониторинг қилиш бўлими (А.А.Ахметов), Ички аудит (П.Ким) |

| т/р | Чора-тадбирлар номланиши | Маълумот жойлаштирилган ресурс | Тақдим этиш ва янгилаш муддати | Маълумот тақдим этиш учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| 5. | Давлат харидлари ва инвестиция лойиҳалари доирасида ҳамда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш бўйича ташкил этиладиган харид комиссияларининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан:<br><br>а) харид комиссияси таркибини тасдиқлаш ҳақидаги қарор;<br><br>б) харид комиссияси аъзоларининг маълумотлари (фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи ва эгаллаб турган лавозими). | Расмий веб-сайт | Харид комиссияси таркибида ўзгариш бўлганда | Моддий техник таъминот бошқармаси (Б.Юлдашев), Инвестиция департаменти (О.Жонсаидов), Ишлаб чиқариш ва молиявий хатарларни мониторинг қилиш бўлими (А.А.Ахметов), Ички аудит (П.Ким) |
| 6. | Ўзлари акциядор (иштирокчи, мулкдор) функцияларини бажарувчи давлат иштирокидаги корхоналарнинг ижроия органи (директор, бошқарув раиси, бошқарув аъзолари) ва кузатув кенгаши аъзоларининг исми ва фамилияси тўғрисидаги маълумотлар. | Очиқ маълумотлар портали | Аъзолар таркибида ўзгариш бўлганда | Корпоратив маслаҳатчи (А.Х. Химматов), Корпоратив муносабатлар ва инвесторлар билан алоқалар хизмати (Ш.Назарова), Ишлаб чиқариш ва молиявий хатарларни мониторинг қилиш |

| т/р | Чора-тадбирлар номланиши | Маълумот жойлаштирилган ресурс | Тақдим этиш ва янгилаш муддати | Маълумот тақдим этиш учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | | | | бўлими (А.А.Ахметов), Ички аудит хизмати (П.Ким) |
| 7. | Давлат иштирокидаги корхоналар, шунингдек, ушбу корхоналарга тегишли бўлган юридик шахслар тасарруфидаги енгил автомобиллар, хизмат уйлари ва бошқа кўчмас мулклар тўғрисидаги маълумотлар. | Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайт | Чорак якунининг 10 санасига қадар | Транспорт ва логистика бўлими (М.Холиков), Корпоратив муносабатлар ва инвесторлар билан алоқалар хизмати (Ш.Назарова), Ишлаб чиқариш ва молиявий хатарларни мониторинг қилиш бўлими (А.А.Ахметов), Ички аудит хизмати (П.Ким) Марказий бухгалтерия (Н.Тен) |
| 8. | Йил (чорак) якуни бўйича тўланган дивидендлар тўғрисидаги маълумотлар. | Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайт | Чорак якунининг 10 санасига қадар | Корпоратив маслаҳатчи (А.Х. Химматов), Корпоратив муносабатлар ва |

| т/р | Чора-тадбирлар номланиши | Маълумот жойлаштирилган ресурс | Тақдим этиш ва янгилаш муддати | Маълумот тақдим этиш учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | | | | инвесторлар билан алоқалар хизмати (Ш.Назарова), Ички аудит (П.Ким) |
| 9. | Тасдиқланган йиллик харажатлар сметаси билан бир қаторда, унинг ижроси, шу жумладан объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари, автомототранспорт воситаларини сотиб олиш ва сақлаш харажатлари тўғрисидаги маълумотлар. | Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайт | Чорак якунининг 25 санасига қадар | Корпоратив маслаҳатчи (А.Х. Химматов), Харажатлар ва ишлаб чиқариш мониторинги бошқармаси (С.Русскова) Марказий бухгалтерия (Н.Тен), Ички аудит (П.Ким) |
| 10. | Комбинат тасарруфидаги хизмат автомототранспорт воситалари, хизмат уйлари ва бошқа кўчмас мулклар тўғрисидаги маълумотлар (тезкор-қидирув, ҳарбий ва бошқа махсус хизматларда фойдаланиладиган ашёлар бундан мустасно). | Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайт | Чорак якунининг 10 санасига қадар | Корпоратив маслаҳатчи (А.Х. Химматов), Корпоратив муносабатлар ва инвесторлар билан алоқалар хизмати (Ш.Назарова), Ишлаб чиқариш ва молиявий |

| т/р | Чора-тадбирлар номланиши | Маълумот жойлаштирилган ресурс | Тақдим этиш ва янгилаш муддати | Маълумот тақдим этиш учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | | | | хатарларни мониторинг қилиш бўлими (А.А.Ахметов), Транспорт ва логистика бўлими (М.Холиков), Ички аудит (П.Ким) |
| 11. | Комбинат ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан:<br>- жамоатчилик кенгашининг тасдиқланган аъзолари ҳақидаги маълумотлар билан бир қаторда уларнинг алоқа маълумотлари (телефон, почта ва электрон манзиллари);<br>- жамоатчилик кенгашининг йиғилишлари ва кун тартибидаги масалалар. | Расмий веб-сайт | Чорак якунининг 10 санасига қадар | Жамоат кенгаши котиби (К.Умаралиева), Ижтимоий ишлар бошқармаси (И.И.Абдуллаев), Ходимлар билан ишлаш хизмати (Ш.Дусимбетов) |
| 12. | Комбинатнинг тасдиқланган йиллик бизнес иш режалари (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно). | Расмий веб-сайт | ҳар йили 1 июлга қадар | Техник бўлим (А.Сайназаров) |
| 13. | Комбинатга доимий фойдаланиш учун берилган ер майдонлари ва бошқа мол-мулкларни давлат-хусусий шериклик асосида олган юридик ва жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотлар (шартномалар кесимида). | Расмий веб-сайт | Чорак якунининг 10 санасига қадар | Корпоратив маслаҳатчи (А.Х. Химматов), Корпоратив муносабатлар ва инвесторлар билан |

| т/р | Чора-тадбирлар номланиши | Маълумот жойлаштирилган ресурс | Тақдим этиш ва янгилаш муддати | Маълумот тақдим этиш учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | | | | алоқалар хизмати (Ш.Назарова), Ер-мулк кадастр ва Маркшейдерлик бўлими (М.К.Абдуллаева), Юридик департамент (С.Касимов), Ижтимоий ишлар бошқармаси (И.И.Абдуллаев), Исътемол моллари ишлаб чиқариш бошқармаси (Т.Хайитов) |
| 14. | Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идораларнинг ташқи ёки ишончли бошқарувга берилган давлат улуши мавжуд бўлган хўжалик жамиятлари, ишончли бошқарувчи томонидан жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар тўғрисидаги маълумотлар. | Расмий веб-сайт | Чорак якунининг 10 санасига қадар | Корпоратив маслаҳатчи (А.Х. Химматов), Инвестиция департаменти (О.Жонсаидов), Корпоратив муносабатлар ва инвесторлар билан алоқалар хизмати (Ш.Назарова), |

| т/р | Чора-тадбирлар номланиши | Маълумот жойлаштирилган ресурс | Тақдим этиш ва янгилаш муддати | Маълумот тақдим этиш учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | | | | Ички аудит (П.Ким) |
| *15.* | *Комбинат таркибий корхоналарининг (департамент, бошқарма, хизмат, бўлим, офис, дирекция ва бошқалар) номи, фаолият тури, вазифа, функция ва ваколатлари ҳамда раҳбарлари тўғрисидаги маълумотлар.* | *Расмий веб-сайт* | *Чорак чорак ёки маълумотда ўзгариш киритилганда* | *Ходимлар билан ишлаш бўлими (Ш.Дусимбетов) Барча хизмат, бўлим ва таркибий корхоналар* |
| 16. | Комбинат таркибий корхоналарининг (номи, жойлашган жойи, иш тартиби, аҳоли билан ишлаш бўйича телефон рақамлари, расмий веб-сайти, электрон почта манзили, раҳбарнинг Ф.И.Ш., географик жойлашуви-локатция манзили) ҳақида маълумотлар | Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайт | Ҳар ойнинг 5 санасига қадар ёки маълумотда ўзгариш киритилганда | Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатини муофиқлаштириш ва назорат қилиш бўлими (А.Комилов) |
| 17. | Комбинатнинг (номи, жойлашган жойи, иш тартиби, аҳоли билан ишлаш бўйича телефон рақамлари, расмий веб-сайти, электрон почта манзили, раҳбарнинг Ф.И.Ш., географик жойлашуви) ҳақида маълумотлар | Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайт | Маълумотда ўзгариш киритилганда | Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатини муофиқлаштириш ва назорат қилиш бўлими (А.Комилов) |
| 18. | Комбинатда мавжуд бўлган бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар | Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайт | Ҳар ойнинг 5 санасига қадар | Ходимлар билан ишлаш бўлими (Ш.Дусимбетов) |
| 19. | Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари ва мурожаат каналлари бўйича маълумот (телефон, ёзма равишда, веб-сайт ва электрон почта орқали), шу | Очиқ маълумотлар портали, | Ҳар ой якунининг 5 санасига қадар | Жисмоний ва юридик шахслар |

| т/р | Чора-тадбирлар номланиши | Маълумот жойлаштирилган ресурс | Тақдим этиш ва янгилаш муддати | Маълумот тақдим этиш учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | жумладан коррупция фактларига доир мурожаатлар тўғрисида | расмий веб-сайт | | мурожаатини муофиқлаштириш ва назорат қилиш бўлими (А.Комилов) |
| 20. | Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотлар | Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайт | Ҳар чорак якунининг кейинги ой 10 санасига қадар | Техник бўлим (А.Сайназаров) |
| 21. | "Олмалиқ КМК" АЖ фаолият юритиб давлат мукофотлари олган ишчи-ходимлар ҳақида маълумотлар | Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайт | Маълумотга ўзгариш киритилганда | Ходимлар билан ишлаш бўлими (Ш.Дусимбетов) |
| 22. | Аффилланган шахслар, Контрагентлар, харидлар иштирокчилари, Манфаатлар тўқнашуви, Якуний бенефициарлар ҳақида маълумотлар | Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайт | Ҳар чорак якунининг кейинги ой 5 санасига қадар | Корпоратив муносабатлар ва инвесторлар билан алоқалар хизмати (Ш.Назарова), Моддий техник таъминот бошқармаси (Б.Юлдашев), Товар бозорларини конъюктурасини ўрганиш бўлими (А.Юлдашев), Контрагентлар ва харидлар иштирокчилари кесимида, |

| т/р | Чора-тадбирлар номланиши | Маълумот жойлаштирилган ресурс | Тақдим этиш ва янгилаш муддати | Маълумот тақдим этиш учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | | | | Комбинат Харид комиссияси аъзолари кесимида, шунингдек Комбинат ходимлари кесимида |
| 23. | “Олмалиқ КМК” АЖ расмий веб-сайтида жорий этиш учун мажбурий бўлган асосий функциялар тегишли қонунчиликга мос равишда бўлишини таъминлаш | расмий веб-сайт | Мунтазам равишда | Ахборот технологиялари департаменти бошлиғи (А.Надиров)<br>Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш бошқармаси (В.Ирисметов) |

**Бошқарув раисининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси – Ахборот хизмати бошлиғи** **У. Каршибаева**

*Изоҳ: Ходим бошқа ишга ўтганда, ушбу лавозимга янги тайинланган шахс ёки тегишли функцияларни бажариш учун тайинланган шахс унинг вазифаларини бажаради.*

ижро: С.Авазова
тел.: 93 182-19-34

**"OLMALIQ KMK"**
**AKSIYADORLIK JAMIYATI**

# BUYRUQ
# ПРИКАЗ

23 JUN 2021 №00 817

**Комбинат фаолиятини очиклигини таъминлаш ва жамоатчилик назоратини самарали амалга ошириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сонли Фармони ижросини таъминлаш ҳамда комбинат фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини, ахборот олиш эркинлигини таъминлаш орқали жамоатчилик назоратини такомиллаштириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида **буюраман:**

1. Тегишли хизмат ва бўлинмалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон Фармонини *(кейинчалик – Фармон)* маълумот ва ижро учун қабул қилсин;
2. Бошқарув раисининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси - Ахборот хизмати бошлиғи У.Қаршибоева Комбинат фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга мақсадида Фармонда кўрсатилган маълумотларни ўрнатилган муддатларда «Олмалиқ КМК» АЖ расмий веб-сайти ва Очиқ маълумотлар порталига жойлаштириб борилишини таъминласин;
3. Масъул бўлинма ва хизматлар томонидан Фармоннинг 1-иловасида келтирилган "Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати"га мувофиқ маълумотларни Ахборот хизматига тегишли тартибда тақдим этилсин;
4. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Бошқарув раиси** OFIS-MENEJER XIZMATI **А.Хурсанов**

Распростране[...] согласие АО «Алмалыкский ГМК» запрещается!